

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил март ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси А.Бойбиловнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Г.Муқумова ва Л.Хужамбердиевалардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ж.Мусаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Нуриддинов, судланувчи ХХХ, ССС, МММ ва уларнинг ҳимоячиси “Сурхон ҳақиқат маскани” адвокатлар ҳайъати [REDACTED], судланувчи ОООнинг ҳимоячиси “Сурхон ҳақиқат маскани” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Шамаев, судланувчи МММ ва унинг ҳимоячиси “Сурхон ҳақиқат маскани” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Паяноваларнинг иштирокида, судланувчилар Талибов Жасурбек Гаффар ўғли, Матъякубов Фуркат Усмонбой ўғли, Бурихонов Жасур Рустам ўғли ва Талибов Жасурбек Гаффаровналарга нисбатан бўлган

1-1901-2302/46-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1992 йил 7 ноябрь куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, Термиз шаҳридаги “Олма Фарм” МЧЖ директори, мукаддам судланмаган, [REDACTED], иш бўйича 2022 йил 16 октябрь куни соат 03:20 да гумон қилинувчи тариқасида ушланган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2022 йил 17 октябрдаги ажримига асосан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

[REDACTED] 1992 йил 9 февраль куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, вақтинча



ишламайди, маълумоти ўрта-махсус, мукаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] иш бўйича 2022 йил 16 октябрь куни соат 02:50 да гумон қилинувчи тариқасида ушланган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2022 йил 17 октябрдаги ажримига асосан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

[REDACTED] 1992 йил 23 ноябрь куни Сурхондарё вилояти Термиз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, вақтинча ишламайди, мукаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] иш бўйича 2022 йил 16 октябрь куни соат 03:21 да гумон қилинувчи тариқасида ушланган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2022 йил 17 октябрдаги ажримига асосан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

[REDACTED] 1990 йил 2 апрель куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, [REDACTED]

[REDACTED] мукаддам судланмаган, Термиз шаҳри, “Мангузар” маҳалласи, Гулистон кўчаси, 8-уй, 15-хонадонда яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни текшириб, тарафларнинг музокара нуқтлари ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчилар

қалбаки пул ишлаб чиқариш ва уни ўтказиб бойлик орттириш мақсадида бошқа шахс билан олдиндан жиноий тил бириктиришиб, бир гуруҳга бирлашиб, 2021 йил октябрь ойида Термиз шаҳар, “Боғи шамол” маҳалласи, Фаровон массиви, 33-уй, 18-хонадонни ижара тариқасида олишиб, ушбу хонадонда қўл бола усулда кимёвий ишлов бериш бўёқларидан фойдаланган ҳолда 1.000 сўмлик купюрадаги фабрика технологияси асосида тайёрлаган пулларнинг устки қисмини тозаловчи кукун билан ишлов берган ҳолда ўчириб, ушбу банкнотлар устки қисмига лазер принтер ёрдамида 50.000 сўмлик купюрадаги СМ 0661180, AV 2509365, СМ 0661181, СО 0385434, CS 0664023 бир хил серия рақамли жами 316.000.000 сўм жуда кўп миқдордаги қалбаки банкнотларни тайёрлашиб, ХХХ яшаётган Термиз шаҳар, “Боғишамол” маҳалласи, “Фаровон” массиви, 22-уй, 10-хонадонда сақлаб келишган.

Шундан сўнг 2022 йил 14 октябрь куни тахминан соат 16:00 да жиноий гуруҳ аъзоси 16.600.000 сўм миқдордаги қалбаки пулларни Термиз шаҳар, “Алпомиш” маҳалласи, А.Навоий кўчасида жойлашган “Юбилейний” савдо бозори ҳудудида ноқонуний муомалага киритаётган вақтда ушланиб, ундан қалбаки пуллар расмийлаштириб олинган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 15 октябрдаги 736-сонли ҳужжатларни техникавий экспертиза хулосаси кўра, г яшаш уйидан олинган 2804 дона 50.000 сўм купюрадаги СМ 0661180-серияли рақамли, 37 дона AV 2509365 серия рақамли, 2949 дона СМ 0661181 серия рақамли, 103 дона СО 0385434 серия рақамли, 53 дона CS 0664023 серия рақамли, жами 5988 дона 299.400.000 сўм пул бланки фабрика технология асосида тайёрланганлиги, унга қўл бола усулда кимёвий ишлов берилган ҳамда компьютер технология асосида қайта ишлов берилиб, лазер принтерда тайёрланиб чоп этилганлиги, расмийлаштириб олинган 172 дона 50.000 сўм купюрадаги СМ 066180



серия рақамли 172 дона, 149 дона СО 0661181 серия рақамли, 8 дона СО 0385434 серия рақамли, 3 дона CS 0664023 серия рақамли, жами 332 дона 16.600.000 сўм пул бланклари фабрика технология асосида тайёрланган бўлиб, унга қўл бола усулда кимёвий ишлов берилганлиги ҳамда компьютер технологияси асосида қайта ишлов берилиб, лазер принтерда тайёрланиб, чоп этилганлиги аниқланган.

Судланувчи ХХХ судда, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, Термиз шаҳар, Боғишамол” маҳалласи, Фаровон кўчаси, 22-уй, 10-хонадонда оила аъзолари билан бирга яшаб келиб келишлиги, онаси [REDACTED] анча йиллар мактабда бошланғич таълимдан дарс бериб келганлиги, ҳозирги кунда нафақага чиқиб, улар билан биргаликда яшаб келганлиги, улар оилада икки нафар фарзанд бўлиб, онаси [REDACTED] турмушга чиққанлиги ва ўзининг оиласи билан биргаликда Термиз шаҳар, “Гулистон” маҳалласи, Мангузар кўчаси, 8-уй, 15-хонадонда яшаб келишлиги, у Жанубий Африка давлатидан Сурхондарё вилоятига туяқушлар олиб келиш билан шуғулланганлиги, лекин ишлари юришмаганлиги, чунки туяқушларни сота олмаганлиги, шу вақтда барча туяқушлари ўлиб кетганлиги, 2020 йилдан қалбаки пул ишлаб чиқаришга қизиқиб бошлаганлиги, интернет тармоғи орқали пулларни қандай тайёрлаш усуларини ўрганганлиги, бу ишларни бир ўзи қила олмаслигини тушуниб етганлиги сабабли унга ёрдам берадиган шахсларни излай бошлаганлиги, ўзининг фикрини курсдоши бўлган [REDACTED] айтганлиги, у унинг таклифига рози бўлганлиги, чунки унинг ҳам оилавий шароити ўша вақтларда оғир аҳволда бўлганлиги, [REDACTED] билан биргаликда ўзига тегишли бўлган Термиз шаҳар, “Боғишамол” маҳалласи, Фаровон массиви, 18-уй, 33-хонадонга бориб, интернет тармоғидан видеоларни кўриб, қалбаки пулларни ишлаб чиқаришни ўргана бошлашганлиги, орадан 3-4 ойдан сўнг Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласи “Фаровон” массивида жойлашган яшаш уйини сотганлиги сабабли ижарага бошқа хонадон қидира бошлашганлиги ва “Фаровон” массивидан ижарага уй топишганлиги, мазкур уйни шериги [REDACTED] ижарага олганлиги, шу сабабли ҳам уй-жой кимнинг номида эканлигини билмаслиги ва уйнинг эгасини танимаслиги, қалбаки пулларни ижрага олган уйда тайёрлаш мақсадлари бўлганлиги, Ж.Бўрихоновга ушбу қалбаки пулларни тайёрлаш учун асосий муаммо қоғоз бўлганлиги сабабли охири 1000 сўмлик купюрадаги пулларни айнан 50.000 сўмлик купюрадаги пулларга ўзгартириш устида ишлашганлиги, яъни 1000 сўмлик купюрадаги пулларни [REDACTED] билан “Феберлик” фирмасига тегишли бўлган “Холме” гелидан фойдаланиб, 1000 сўмлик купюрадаги пулларни сувда қайнатиш йўли билан тозалашганлиги, яъни қайнатилган сувга “Феберлик хоме” суюқлигидан қўшиб, сўнгра 1000 сўмлик купюрадаги пулларни қайнатиб кўришганлиги, шундан сўнг



юмшоқ тиш шёткаси орқали пулларнинг устини майин ишлов бериб, ўчира бошлаганлиги, 1000 сўмлик купюрадаги ёзувлар ўчиб, 1000 сўмлик купюрада оқ қоғоз рангли шаклига келиб қолганлиги, ушбу қоғоз пулларни тоза ҳолатга келтирганларидан сўнг қалбаки пул ишлаб чиқариш учун сифатли рангли принтер қидиришганлиги, қалбаки пулларни тайёрлашда қандай принтер кераклини ижтимоий тармоғидан қидириб кўрганларида фақатгина рангли лазер принтерда ушбу амалиётни бажара олишлари билишганлиги, шундан сўнг ОЛХдан ушбу рангли принтерни тахминан 800.000 сўмга сотиб олишганлиги, у билан МММбиргаликда 1000 сўмлик купюралардаги тозаланган пулларни 50.000 сўмлик купюрадаги пулларга печат бериб кўрганларида улар кутганидек натижа бермасида, шунга ўхшаш 50.000 сўмлик пулларни чиқаришганлиги, қалбаки пулларни янада сифатли чиқариши учун бошқа интернет орқали сифатли лезерли принтер излашганлиги ва ОЛХдан тахминан 3.700.000 сўм пул пул маблағлари эвазига рангли лазер принтер топишлиги, лекин пул йўқлиги сабабли вақтинчалик ушбу ҳаракатларни тўхтатишганлиги, шундан сўнг ўзига олдиндан таниш бўлган курсдошлари [REDACTED] ўғлиларни Россия Фердерациясидан келганлигини билиб, уларни ҳам шу ишга таклиф қилганлиги, [REDACTED] билан Ф.Матъяқубовлар ҳам таклифига рози бўлишганлиги, Ф.Матъяқубов олдин кўриб пуллари етмаган рангли лезерли принтерни сотиб олиш 3.700.000 сўм пуллар берганлиги, шундан сўнг ушбу пулга лазер принтерни сотиб олишганлиги ва ижарага олишган уйга олиб келишганлиги, у, [REDACTED] билан биргаликда қалбаки 50.000 сўмлик пулларни чиқаришни бошлашганлиги, улар турли жойлардан 1000 сўмлик купюрадаги пулларни олиб келишганлиги ва биргаликда қайнаган сувга махсус суюқликни кўшиб, 1000 сўмлик пулларни тозалаб, тоза бўлган пулларни устига 50.000 сўмлик купюрадаги қалбаки пулларни лазер рангли принтерда чиқара бошлашганлиги, шу орада лазер принтер ишламай қолганлиги сабабли бошқа янги лазер принтерни 6.000.000 сўм пулларга сотиб олишганлиги, ушбу принтерни сотиб олиш учун [REDACTED] ўзининг пулларида бериб турганлиги, янги принтер ёрдамида 50.000 сўмлик купюрадаги пулларнинг орқа томонини чиқара бошлашганлиги, пулларни тайёрлаб бўлганларидан сўнг 50.000 сўмлик купюрадаги махфий белгиларини, яъни 3д лентаси ва 50.000 сўм деб зар билан ёзилган махсус белгини қалбаки пулларга тайёрлай олишмаганлиги, шу сабабли ишларини тўхтатишга мажбур бўлишганлиги, улар, яъни у, Ф [REDACTED] тахминан 300.000.000 сўмдан кўпроқ пулларни ишлаб чиқариб қўйишган бўлганлиги, у шерикларига барча қалбаки пуллар



ўзида туришини айтганлиги, агарда купюрадаги махфий белгилари ва зар билан ёзилган махсус белгиси топилса ишлатлари айтганлиги, у барча қалбаки 50.000 сўмлик купюрадаги жами 300.000.000 сўмдан кўпроқ пулларни ўзи яшайдиган Термиз шаҳар, “Боғишамол” маҳалласи, Фаровон массиви, 22-уй, 10-хонадонга олиб келганлиги, уйдагилари ҳеч ким, яъни турмуш ўртоғи Эламанова Эминабону ва онаси [REDACTED] йўқлигидан фойдаланиб, уйга олиб кирганлиги, сўнг эса ўзининг ётоқхонанинг ички қисмида турган кийим жавонининг устги қисмига қўйиб қўйганлиги, у ушбу 300.000.000 сўмдан кўпроқ қалбаки пулларни ишлатиб юбориш нияти бўлмаганлиги, фақатгина пулларни тарқаб келмаслиги учун барча пулларни яшаш уйига олиб келиб қўйганлиги, у билан биргаликда қалбаки пулларни тайёрлаган шериклари [REDACTED] бошқа ишлари билан шуғуллана бошлашганлиги, шу орада 2022 йил май ойида шериги [REDACTED] Россия Федерациясига ишлаш учун кетганлиги, шундан буён ушбу қалбаки пулларни яшаш уйи хонасидаги шкафнинг тепа қисмида, қора рангли пакетда сақлаб келаётган бўлганлиги, у қалбаки пуллардан бирор маротаба кўчада фойдаланганманлиги, ўзида сақлаб келаётган қалбаки пулларни ёқиб юбориш ҳақида ўйлаб юрганлиги, лекин ушбу қалбаки пулларни тайёрлашда тахминан 60.000.000 сўм пуллар сарфлаганликларини сабабли ҳам ушбу қалбаки пулларни тайёрлаган танишлари билан маслаҳатлашиб, сўнгра ёқиб юбормоқчи бўлганлиги, 2022 йил январь ойида Термиз шаҳар “А.Авлоний” маҳалласи “А.Навоий” кўчаси ҳудудида жойлашган “Оламфарм” МЧЖга ишга кирганлиги ва турли лавозимларда ишлаб, сўнра директор лавозимига ўтганлиги ва ҳозирда ушбу лавозимда ишлаб келганлиги, опаси [REDACTED] яшаш уйларига келиб турганлиги, шу вақтларда унга ўзи бир неча маротаба ҳақиқий пуллар бериб турганлиги, шунингдек, агар пулдан қийналиб қолса, у уйда бўлган пул олиб ишлатиб туриши айтганлиги, лекин унга ҳеч қачон қалбаки пулларни бермаганлиги ва бу ҳақида айтмаганлиги, шунингдек, 2022 йил 14 октябрь куни у ишда бўлганлиги сабабли ҳам [REDACTED] уйда турган қалбаки пуллардан олиб чиқиб кетган бўлганлиги, бу ҳолатни уни ИИБ ходимлари чақирганидан сўнг билганлиги, у Термиз шаҳар ИИБ биносига келганидан сўнг опаси [REDACTED] унинг хонасида сақланадиган тахминан 300.000.000 сўмдан ортиқроқ қалбаки пулларни ичидан 16.000.000 сўм пулларни унга айтмай олиб чиқиб кетганини билганлиги, у ИИБ ходимларига ўзи ва шериклари билан биргаликда қалбаки пулларни тайёрлашганлиги айтганлиги, ИИБ ходимлари унинг яшаш уйига у ва холислар билан биргаликда бориб, ётоқхонасидаги шкаф устидан бир пакетда турган 260.250.000 сўм ва иккинчи пакетда 35.850.000 сўм қалбаки пулларни ҳужжатлаштириб олишганлиги, у ўзининг ихтиёрига кўра қалбаки пулларни тақдим қилганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари 1 дона ЧПУ



қурилмали принтер, 3 дона лезерни рангли принтер, қўшимча рангли кукун,

5 дона ҳар хил суюқ рангли кукун зарлар, 20 см чизғиш, А4 форматдаги 80 граммлик 86 та қоғоз ва А4 форматдаги 200 граммлик 38 дона қоғоз, пул қистириш учун ишлатиладиган эластик резиналар, 0,5 граммлик 75 дона оқ қоғозларни [REDACTED] яшаш уйдан унинг иштирокида холислар билан ҳужжатлаштириб олишганлиги, сабаби ушбу нарсаларни қалбаки пуллар ишлаб чиқаришни тўхтатганликлари сабабли таниши [REDACTED] яшаш уйига олиб бориб қўйишганлиги, қилмишидан ин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи МММ судда, ўз айбига иқдорлигини билдириб, у 2008-2011 [REDACTED] билан бирга Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежида ўқиганлиги, 2012 йилда Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетиб, 2016 йилда Ўзбекистон Республикасига келганлиги, кейин яна Россия Федерациясига қайтиб кетганлиги, 2021 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга келганлиги, Термиз шаҳрида [REDACTED] билан учрашганлиги, у унга қалбаки пул тайёрлашни бошлаганини ва унга ёрдам беришини, бунинг учун эса лазер принтер кераклигини айтганлиги, уларнинг олдида таниши [REDACTED] бўлганлиги, улар [REDACTED] айтган гапларга рози бўлганлиги, [REDACTED] таништириб, у ҳам улар билан ишлаётганини айтганлиги, улар интернет орқали қалбаки пулларни сифатли чиқарадиган замонавий русумдаги лазер принтерни интернет қидириб кўришганлиги, уни топиб, 3.700.000 сўмга сотиб олишганлиги, улар рангли лазер принтер сифатли чиқаришини билганларидан сўнг ушбу қалбаки пулларни чиқариш учун қоғоз қидира бошлашганлиги, 111 1.000 сўмлик купюрадаги пулларни ўчириб, ушбу пулга 50.000 сўмлик купюрадаги қалбаки пулларни чиқаришларини айтганлиги, шу орада [REDACTED] ҳақиқий 1.000 сўмлик купюрадаги пулларнинг устидаги ёзувларини “Феберлик Хоме” суюқлик ёрдамида ўчира олишини айтганлиги, [REDACTED] яшаш уйини сотиб, шу уйнинг олдидан бошқа уй сотиб олганлиги сабабли ўша уйга бориб, ҳақиқий 1.000 сўмлик пулни қоғоз шаклга келтирганини кўрганлиги, шундан сўнг ижарага олишган уйда йиғилишиб, у [REDACTED] биргаликда 1.000 сўмлик купюрадаги пулларни қайнатиб, тозалай бошлашганлиги, [REDACTED] билан у олиб келган 1.000 сўмлик купюрадаги жами 2.000.000 сўм пулларни ҳар куни 100 донадан ўчириб, шундан сўнг ушбу пулларни қуритиб, кейин дазмол ёрдамида текислашлиги, шундан сўнг ўзлари олиб келган принтер ёрдамида ушбу тоза пулларни 50.000 сўмлик қалбаки купюрадаги пулларни чиқара бошлашганлиги, пуллар тугаб қолган тақдирда 111 ва у 1.000 сўмлик купюрадаги ҳақиқий пуллар кўчага чиқиб топиб келганлиги, МММва [REDACTED] билан биргаликда 1.000



сўмлик купюрадаги ҳақиқий пулларни суюқлик ёрдамида қайнатиб, устидаги ёзувлари ва белгиларини ўчириб тозалаб, тайёр ҳолатга келтиришганлиги, олиб келган иккинчи лазер принтер ҳам бузилиб қолганлиги сабабли учинчи принтерни Тошкент шаҳридан 111 тахминан 6.000.000 сўм сотиб олганлиги, ушбу принтерни сотиб олиш учун пулларни у, [REDACTED] биргаликда тўплашганлиги, шундан сўнг янги принтерда 50.000 сўмлик қалбаки купюрадаги пулларни иккинчи томонини чиқара бошлашганлиги, ушбу принтерлар ёрдамида чиқарган 50.000 сўмлик купюрадаги қалбаки пуллар тахминан жами 300.000.000 сўмдан кўпроқ бўлганлиги, лекин ушбу қалбаки пулларнинг ранглари сифати ва ҳақиқий пуллардаги “3д” лентаси яхши чиқмаганлиги сабабли уларни муомалага чиқаришмаганлиги, ушбу қалбаки пулларни ҳаммасини 111 у ва қолган шерикларидан йўқ қилиш мақсадида йиғиб олганлиги, шундан сўнг у бундай ишларга бошқа аралашмаганлиги, лекин 111 ва бошқалар билан салом-алик қилиб турганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи МММсудда, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2013-2017 йилларда [REDACTED] билан бирга Термиз Давлат университетидан ўқиганлиги, ўқишни битирганидан сўнг у билан анча вақт кўришмаганлиги, 2020 йил тахминан ноябрь-декабрь ойларида Теҳмиз шаҳрида 111 билан ўзаро учрашишганлиги, шу вақтда 111 унга ўзи билан биргаликда қалбаки пулларни яшашни ва унинг ортидан бир қанча моддий манфаат кўришларини айтганлиги, шунда шу вақтларда моддий томондан ва оилавий шароитида муаммолар бўлганлиги унинг таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг у 111 билан тез-тез кўришиб, қалбаки пулларни усуллари бўйича интернет тармоғи орқали ҳар хил видео тасвирларни кўришганлиги ва нарсаларни ўргана бошлашганлиги, 2021 йилнинг ёз ойларида 111 билан унга тегишли Термиз шаҳри, “Боғишамол” маҳалласи, “Фаровон” массиви, 18-уй, 33-хонадонга бориб, ўша ерда ҳар хил турдаги қоғозларни олиб, бир-бирига қўшиб силлиқ бўлган ёки бўлмаганлигини ва чинакам пулдан қандай фарқлари борлигини сувларга тикиб текшириб кўра бошлаганлиги, яъни 1.000 сўмлик купюрадаги пулларнинг устки қисмидаги ёзувларини ўчириш орқали унинг қоғозларига каттароқ суммадаги валюта чиқаришни режалаштиришганлиги, шундан сўнг “ОЛХ” илова орқали эски русумдаги “Epson” русумли лазер рангли принтерни 600.000 сўмга сотиб олишганлиги, уни 111га тегишли бўлган Термиз шаҳри, “Фаровон” массиви, 18-уй, 33-хонадонга олиб бориб жойлаштириб, оддий турдаги расмларни чиқара бошлашганлиги, сувга тикиб текшириб кўрганларида қоғоздаги ранглар тарқалмай, асл ҳолича турганлиги, шундан сўнг ҳақиқий пулларни устидаги белгиларини бўртма расмларни чиқарадиган қурилмасини интернет орқали қидира



бошлаганларида “ЧПУ” қурилмаси керак бўлиб қолганлиги сабабли 111 ушбу қурилмани қаердандир тахминан 2.000.000 сўм сотиб олишганлиги, уни 111 билан биргаликда ишлатиб кўришганлиги, лекин ишлата олишмаганлиги, шундан сўнг интернет орқали қалбаки пулларни сифатли чиқарадиган замонавий русумдаги лазер принтерни қидириб кўришганлиги ва шундан лазер қурилмани топишганлиги, бироқ унинг нархи тахминан 3.700.000 сўм бўлганлиги сабабли унга пул топа олишмаганлиги, шундан кейин 111 унга таниш бўлмаган 2222ва [REDACTED] исмли шахсларни таништириб, уларга ҳам биргаликда ишлашларини ва қалбаки пулларни ишлаб чиқариш учун бирга бўлишларини айтганлиги, шундан кейин Фурқат ва Аслиддинлар янги лазер принтер сотиб олишганлиги, улар рангли лазер принтер қалбаки пулларни сифатли чиқаришини билганларидан ушбу қалбаки пулларни чиқариш учун қоғоз қидира бошлашганлиги, 111 унга 1.000 сўмлик купюрадаги пулларни ўчириб, ушбу уларга 50.000 сўмлик купюрадаги қалбаки пулларни чиқариш таклифини айтганлиги, шу орада 111 унга хақиқий 1.000 сўмлик купюрадаги пулларнинг устидаги ёзувларини “Феберлик Хоме” суюқлик ёрдамида ўчира олишини айтганлиги, 111 яшаш уйини сотиб, яшаш уйининг олдидан бошқа уй сотиб олганлиги сабабли ўша уйга бориб, хақиқий 1.000 сўмлик пулни қоғоз шаклга келтирганини кўрганлиги, шундан сўнг улар ижарага олишган хонадонда тўпланишиб, 1.000 сўмлик купюрадаги пулларни у, 111, 2222, 3333лар биргаликда қайнатиб, унгаги ёзувларини тозалай бошлашганлиги, ушбу пулларни 111 билан Матёқбуов Фурқатлар олиб келган 1.000 сўмлик купюрадаги жами 2.000.000 сўмлик пулларни ҳар куни 100 донадан ижарада турган хонадонда ўчириб, уларни қуритиб, кейин дазмол ёрдамида текислашганлиги, шундан сўнг ўзлари олиб келган принтер ёрдамида ушбу тоза пулларга лазер принтер ёрдамида 50.000 сўмлик қалбаки купюрадаги пулларни бир томонини чиқара бошлашганлиги, пуллар тугаб қолганда 111 ва Ф.Матёқубовлар кўчага чиқиб, уларга 1.000 сўмлик купюрадаги хақиқий пуллар топиб келишганлиги, у ва 3333 билан биргаликда 1.000 сўмлик купюрадаги хақиқий пулларни суюқлик ёрдамида қайнатиб, устидаги ёзувлари ва белгиларини ўчириб тозалаб, тайёр ҳолатга келтиришганлиги, шундай сўнг олиб келган иккинчи лазер принтер ҳам бузилиб қолганлиги сабабли учинчи принтерни 111 Тошкент шаҳридан тахминан 6.000.000 сўм сотиб олганлиги, ушбу принтерни сотиб олиш учун 2222, 111 ва 3333лар биргаликда пул қўшишганлиги, шундан сўнг янги лазер принтер сотиб олиб, 50.000 сўмлик қалбаки купюрадаги пулларни иккинчи томонини чиқара бошлашганлиги, чиқарилган 50.000 сўмлик купюрадаги қалбаки пуллар тахминан жами 300.000.000 сўмдан кўпроқ бўлганлиги, лекин ушбу чиқарган қалбаки пулларнинг ранглари сифатли ва хақиқий пуллардаги “Зд” лентаси яхши чиқмаганлиги сабабли



пулларни муомалага чиқара олишмаганлиги, ушбу пулларни хаммасини 111 у ва қолган шерикларидан йўқ қилиш мақсадида йиғиб олганлиги, у шу билан бошқа бундай ишларга аралашмаганлиги, лекин 111 ва бошқалар билан салом-алик қилиб турганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи ССС судда, ўз айбига иқдор эмаслигини билдириб, 2009 йил январь ойидан буён Сурхондарё вилояти болалалар туғруқ шифохонасида навбатчи ҳамшира бўлиб ишлаб келишлиги, 2022 йил 14 октябрь куни соат тахминан 15:30 ларда яшаш уйида бўлган вақтида укаси Талибов Жасурнинг Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласида “Фаровон” массивида жойлашган яшаш хонадонига ўзига пул керак бўлганлиги сабабли ундан пул олиш мақсадида ўзига тегишли бўлган тахминан 150.000 сўм пулларини чўнтагига солиб, унинг яшаш хонадонига борганлиги, хонадон эшигини тақиллатган вақтида ҳеч ким очмаганлиги, шундан сўнг онаси унга берган калит ёрдамида уйнинг эшигини очганлиги, ичкарига кирганидан сўнг унинг ётоқхонасининг ички қисмига кирганлиги, шкаф устида турган қора рангли пакет кўрганлиги, пакетни очиб, ичига қўлини тикқанида пакетнинг ичидаги пуллардан тахминан 2-3 қадокда бўлган пулларни олганлиги, уларнинг қандай купюралар эканлигига эътибор қаратмасдан, сумкага солиб қўйганлиги ва қолган пулларни жойига қолдирганлиги, шундан сўнг ташқарига чиққанлиги, Термиз шаҳар “Алпомиш” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Юбилений” савдо мажмуасига келганлиги, шундан сўнг ушбу бозордаги мевалар сотиладиган растаралардан ўтиб, ушбу расталарда жойлашган озиқ-овқат дўконига кириб борганлиги, дўкондаги нарсаларни кўриб, фарзандларига сотувчидан 2 дона ёки 4 дона йогурт сотиб олмоқчи бўлганлиги, сотувчи унга ушбу нарсаларнинг нархини 5.000 сўмдан эканини айтганлиги, у укасининг уйида олиб чиққан пуллардан 1 дона 50.000 сўмлик купюрадаги пулни узатганлиги, шундан сўнг сотувчи унга ушбу берган пулига қайтим пули йўқлигини айтганидан сўнг чўнтагидан 10.000 сўм купюрадаги пулни чиқариб, унга берганлиги, ташқарига чиққанидан сўнг бозордан уйига озиқ-овқат маҳсулотларни олиш мақсадида сабзаётлар сотувчидан 4.000 сўмга 1 килограмм сабзи сотиб олганлиги ва унга 50.000 сўмлик купюрадаги пулни узатганлиги, шунда унинг ёнида ўтирган йигит сотувчидан пулни унга беришини ва текшириб кўришини айтганлиги, йигит пулни олиб, ушбу пулларни қалбаки эканлигини айтганлиги, шундан сўнг у унинг гапларига ишонмаганлиги, сотувчи йигит ИИБ ходимларига хабар берганлиги, ИИБ ходимлари етиб келишиб, уни ИИБ биносига олиб боришганлиги, 2022 йил 14 октябрь куни соат тахминан 17:00 да ИИБ биносига келганидан сўнг бўлиб ўтган ҳолатларни тушуртириш учун ИИБ биносининг хизмат хонасига кирганлиги, хонага



кирганида жами
6 нафар ЖҚБ ходимлари мен билан суҳбат ўтказа бошлашганлиги, у уларга бўлган ҳолатларни айтсада, улар унинг гапларига эътибор беришмаганлиги, ундан ушбу қалбаки пулларни тайёрлаганлигини ва шериклари кимлар эканлигини сўрашиб, унга турли хил тазйиқлар ўтказа бошлашганлиги, ЖҚБ ходими айтиб турганлиги сабабли ҳам унинг сўзларига кўра тушунтириш хати ёзиб берганлиги, соғлик ҳолати ёмонлашгандан сўнг улар ИИБ биносига шифокор чақиришганлиги ва келган шифокорга ҳеч нарса демаслигини ҳамда соғлиқ ҳолати яхшилигини айтишини таъқидлашганлиги, агар шундай қилмаса, яна уни қийнашлари мумкинлигини уйлаб, врачларга ҳам соғлик ҳолати яхши эканини айтганлиги, ундан 16.600.000 сўм қалбаки пулларни ВА 254.000 сўм ҳақиқий пулларни, бундан ташқари сумкасининг ичидаги нарсалари билан биргаликда ЖҚБ ходимлари расмийлаштириб олишганлиги, у укаси 111нинг яшаш уйида қалбаки пул ишлаб чиқарганлигидан хабардор бўлмаганлиги, 2022 йил 14 октябрь куни укаси ХХХнинг яшаш хонадонидан қанча миқдорда пул олганини ва ушбу пуллар қалбаки эканини билмаганлиги, у илгаридан укасининг уйига кирган ҳолда пуллар олган ҳолда оилавий эҳтиёжларга сарфлаганлиги, укаси ХХХ унга рухсат берганлиги сабабли унинг уйига бемалол кириб пулларни олиб юрганлиги, укасининг уйини калитлари у, онаси, укаси ва унинг турмуш ўртоғида мавжуд бўлганлиги, укаси ХХХ ўзининг танишлари билан биргаликда қалбаки пулларни тайёрлаганидан унинг умуман хабари бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ҳаракатларига тўғри баҳо бериб, ўзига нисбатан адолатли қарор қабул қилишни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] судда, унинг икки нафар фарзанди бўлиб, ўғли [REDACTED] ва қизи [REDACTED] ҳисобланиши, у билан биргаликда ўғли ХХХ ўзининг оиласи билан биргаликда яшаб келиши, у ўғлининг ишларига аралашмаслиги ва унинг ётоқхонасига кирмаслиги, ўғли ХХХ ўқишларини тамомлагандан сўнг дастлаб тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиб келганлиги, шундан сўнг эса дорихонада ишлашни бошлаганлиги, ўғли ХХХни қалбаки пул ишлаб чиқарганидан умуман хабардор бўлмаганлиги, ИИБ ходимлари томонидан яшаш уйи кўздан кечириш вақтида ўғли ХХХнинг ётоқхонасининг ички қисмида қалбаки пуллар топилганлиги, шундан сўнг ушбу ИИБ ходимлари қалбаки пулларни расмийлаштириб олишганлиги, кейинчалик билишича қизи ССС ётоқхонанинг ички қисмидан ўзи билмаган ҳолатда укаси ХХХга тегишли бўлган қалбаки пулларни олиб чиқиб кетиб, ушбу пуллар эвазига нарсалар сотиб олиб турган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланганлиги ҳақида кўрсатув берди.



Гувоҳ [REDACTED] қизи судда, 2019 йил 7 ноябрь куни [REDACTED] ўғли билан тушмур қурганлиги ва қонуний никоҳдан ўтиб яшай бошлаганлиги, уйда у, турмуш ўртоғи ХХХ, қайнонаси Озодова Нодира ҳамда бир нафар вояга етмаган фарзанди билан биргаликда яшаб келганлиги, турмуш ўртоғи ХХХ дастлаб тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиб келганлиги, шундан сўнг эса дорихонада ишлашни бошлаганлиги, у турмуш ўртоғининг ишларига аралашмасдан келганлиги, ўзи ўқитувчи бўлганлиги сабабли кўп вақтини мактабдан ўтказиши, турмуш ўртоғи дорихонада ишлаб келганлиги сабабли ҳам ишдан кеч қайтиб. эрта кетганлиги, уйда барчанинг пуллари ўзларида туришлиги, яшаш уйига уй-рўзғор нарсаларини барчалари қилишлиги, турмуш ўртоғи 111нинг дўстларини танимаслиги, унинг қайси вақтда ва кимлар билан биргаликда қалбаки пуллар ишлаб чиқарганини билмаслиги, ИИБ ходимлари томонидан яшаш уйлари кўздан кечирган вақтда улар яшаб келаётган уйнинг ётоқхонадаги кийим шавони устки қисмидан қалбаки пуллар топилганлиги, турмуш ўртоғи 111 ушбу қалбаки пулларни қачон олиб келганлигидан унинг хабари бўлмаганлиги, кийим жавонига бўйи етмаганлиги сабабли ҳам унинг устки қисмига қарамаганлиги, қайнопаси [REDACTED] яшаш уйларига келиб-кетиб турганлиги, унда уйга кириш учун уйнинг 1 дона калити бўлганлиги, бундан ташқари, унга укаси 111нинг ўзи пул бериб турганлиги, кейинчалик билишича СС ётоқхона ички қисмидан ўзи билмаган ҳолатда укаси ХХХга тегишли бўлган қалбаки пулларни олиб чиқиб кетиб, уларга ўзи учун нарсалар олиб турган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушлаб олинганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2022 йил 24 апрель куни у [REDACTED] га турмушга чиққанлиги ва у билан бирга қонуний никоҳдан ўтиб яшаб келганлиги, уйда у, турмуш ўртоғи ва қайнонаси Матъякубова Гулбаҳор биргаликда яшаб келганлиги, турмуш ўртоғи ишсиз бўлганлиги сабабли кўп вақтини уйда ўтказиб келганлиги, у турмуш ўртоғининг дўстларини танишмаслиги, турмуш ўртоғига қайси вақтда ва кимлари билан қалбаки пуллар ишлаб чиқарганлигини билмаслиги, бундан турмуш ўртоғини ИИБ ходимлари олиб кетишганидан сўнг хабар топганлиги, турмуш ўртоғи бирон мартаба ҳам уйга қалбаки пул олиб келмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчиларнинг айби билдирги, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотоиловалар, нарсаларни кўздан кечириш ва фотоиловалар, ашёвий далиллар, тинтув баённомаси, далолатномалар, шунингдек, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.



Суд, судланувчининг айб квалификацияси муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди:

Суд, тергов органи томонидан судланувчилар ХХХ, ООО, МММ ва СССларнинг ўтказиш мақсадида жуда кўп миқдордаги қалбаки банк билетлари (банкнотлар)ни яшаш ва уларни ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддасида, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилиши, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли қарорининг 5-бандида, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунушлик жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат бериши, айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гуруҳ уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, тергов органи томонидан судланувчилар ХХХ, ООО, МММ ва СССларга қалбаки банк билетлари (банкнотлар) яшаш ва уларни ўтказиш жиноятини уюшган гуруҳ бўлиб ва унинг манфаатларини кўзлаб содир этганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан нотўғри айб қўйилган.

Судда аниқланган ҳолатга кўра, судланувчи ХХХ, ООО, МММ ва СССлар жиноий фаолият олиб бориш учун бир гуруҳга уюшмаганлар, улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланмаган, гуруҳнинг бирон-бир аъзосига бўйсунмаганлар ва унинг кўрсатмаларига асосида фаолият олиб бормаганлар. Балки ихтиёрий равишда бир гуруҳ бўлиб жиноят содир этганлар.

Жумладан, улар келгусида ўтказиш мақсадида қалбаки пуллар яшаш учун жиноий тил бириктиришиб, бир гуруҳ бўлиб, биргаликда ижарага уй олиб, зарур бўлган рангли принтер, махсус ва бошқа нарсаларни сотиб олиб, қалбаки пулларни ишлаб чиқаришиб, ХХХнинг яшаш уйида сақлаб келишган. Шундан сўнг ССС эса ушбу 16.600.000 сўм миқдордаги қалбаки пулларни ноқонуний муомалага киритган вақтда ушланган.



Бундай ҳолатда, суд судланувчилар ХХХ, ООО, МММ ва СССларни уюшган гуруҳ бўлиб ва унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этмаган деб айблаш учун асос бўлмайди.

Шу сабабли суд судланувчилар ХХХ, ООО, МММ ва СССларнинг зиммасидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “б” бандини ортиқча қўйилган айб сифатида чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-моддасининг иккинчи қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги”ги 1-сонли қарори 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги,



жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тайинлашда ўз айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди ва нафақада бўлган онаси борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жиноятни очишда фаол ёрдам берганини, Термиз шаҳар “Эски шаҳар” МФЙ раиси ва ёшлар етакчиси томонидан кафолат хати берилганлиги, турар жойидан ижобий тавсифланганини, муқаддам судланмаганини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олишни, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди ва нафақада бўлган онаси борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жиноятни очишда фаол ёрдам берганини, Термиз шаҳар “Эски шаҳар” МФЙ раиси ва ёшлар етакчиси томонидан кафолат хати берилганлиги, муқаддам судланмаганини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, жазо муддатини у гумон қилувчи тариқасида ушланган 2022 йил 16 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартиришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд, судланувчи МММга нисбатан жазо тайинлашда ўз айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, “Болалар уйи”да катта бўлганини, муқаддам судланмаганини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олишни, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, “Болалар уйи”да катта бўлганини, муқаддам судланмаганини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, жазо муддатини у гумон қилувчи тариқасида ушланган 2022 йил 16 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартиришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд, судланувчи ОООга нисбатан жазо тайинлашда ўз айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган



фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, турар жойида ижобий тавсифланганини, халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутати [REDACTED] ва Термиз тумани “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан илтимоснома киритилганини ва маҳаллада яшови бир гуруҳ фуқаролари томонидан кафолат хати берилганини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олишни, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутати Г.Турдиева ва Термиз тумани “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан илтимоснома киритилганини ва маҳалла яшовчи бир гуруҳ фуқаролари томонидан кафолат хати берилганини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, жазо муддатини у гумон қилувчи тариқасида ушланган 2022 йил 16 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартиришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд, судланувчи ССГа нисбатан жазо тайинлашда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёллигини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ҳомиладор эканлигини, жиноятни очишда фаол ёрдам берганлигини, турур жойидан ижобий тавсифланганини, муқаддам судланмаганини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олишни, аёллигини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ҳомиладор эканлигини, жиноятни очишда фаол ёрдам берганлигини муқаддам судланмаганини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, унга тайинланган жазони ўтаттирмасдан туриб ҳам уни хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб тайинланган жазо шартлига айлантиришни ва синов муддати белгилашни, синов муддатини ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблашни, синов муддати мобайнида ССГа иш ва яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш, ҳар ойда бир мартаба бу органларда рўйхатдан ўтиб



туриш, сутканинг соат 22:00 дан 06:00 га қадар яшаш уйида бўлиш каби мажбуриятларни юклашни, ҳукм ижросини таъминлашни Термиз шаҳар ИИБ зиммасига юклашни, унга синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органнинг тақдимномасига биноан жазонинг шартлигини бекор қилиб, ҳукмни тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариш мумкинлигини тушунтиришни, унга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни, у томонидан эҳтиёт чораси сифатида Сурхондарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига қўйилган 6.000.000 пулларни унинг ўзига қайтаришни лозим топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Термиз шаҳар ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 50.000 сўмлик купюрадаги 316.000.000 сўмлик қалбаки пулларНИ йўқ қилишни, 1 дона “Canon MF 8540 KDN” русумли, 1 дона “Samsung Xpress 2020” русумли, 1 дона “Epson” русумли ва 1 дона “Asullaser C900” русумли принтерларни давлат эгалигига мусодара қилишни, Талибова Нигина Гаффоровнадан расмийлаштириб олинган 2 дона пластик карта, 1 дона аёллар атири, 1 дона аёллар бўёғи, 1 дона аёллар ҳамёни, 1 дона дафтар, 1 дона аёллар пайпоғи, 4 дона йогурт, 2 дона банан, 2 дона кир совун, 3 дона кўк ручка, 1 дона диклофенок ампла, 3 дона мер римоксикамларни унинг ўзига қайтаришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 8 (саккиз) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 16 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартиришсиз қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а”



бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 16 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартиришсиз қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 16 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартиришсиз қолдирилсин.

(Talibova Nigina G'affor qizi) Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб тайинланган жазо шартлига айлантирилсин ва 2 (икки) синов муддати белгилансин.

Синов муддати 2023 йил 25 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Синов муддати мобайнида СССга иш ва яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш, ҳар ойда бир маротаба бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, сутканинг соат 22:00 дан 06:00 га қадар яшаш уйида бўлиш каби мажбуриятлар юклансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш Термиз шаҳар ИИБ зиммасига юклансин.

синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд ЖК 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органнинг тақдимномасига биноан жазонинг шартлигини бекор қилиб, ҳукмни тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариш мумкинлиги тушунтирилсин.



